



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2026 йил 27 март, № 59 (9230)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 26 март куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Тожикистон етакчисини “Тошкент-Хумо” халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутуб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари нафақат қўшни, балки асрлар давомида қардош бўлиб, бир булоқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келган, биргаликда елкама-елка туриб, қийинчиликларни енгиб ўтган. Ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустаҳкам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди.

Олий мартабали меҳмон “Янги Ўзбекистон” боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойғига гулчамбар қўйди.

Илм-маърифати, муносиб амаллари билан миллатлараро муносабатларни юксак даражада қадрлаган аждоқларимиз мероси ҳамisha дунё ҳамжамияти эътиборида.

“Янги Ўзбекистон” боғининг Мустақиллик монументида акс этган улуглар тимсоли бугун барчамизга ифтихор бағишлайди. Мамлакатимиз ўтмиши ва келажагини акс эттирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Мустақиллик монументи пойғига гулчамбар қўйди.

монументи пойғига гулчамбар қўяр экан, Ватан озодлиги, эл фаровонлигининг ёрқин ифодаси сифатида мағрур қад ростлаган мажмуа қошида рамзий бош эгди.

Дунё тамаддунига ҳамжихатлик билан хисса қўшишни тараннум этган боболаримиз маърифатини эътироф этиб, эҳтиром кўрсатди.

Кўксарой қароргоҳида мамлакатимизга давлат ташрифи билан келган Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни тантанали кутуб олиш маросими бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий кутлаб, шохсупага таклиф этди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди. Харбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Тожикистон мадҳиялари янгради.

Етакчилар фахрий қоровул сафи олтидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон тор доирада музокара ва Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишини ўтказдилар.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентининг ушбу давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлиб, икки мамлакат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат ришталарини мустаҳкамлашда яна бир муҳим қадам эканини алоҳида таъкидлади.

— Биз Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишини бошлаб бормоқдамиз. Ушбу формат, шубҳасиз, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди, Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини амалий мазмун ва илғор ташаббуслар билан бойитишга хизмат қилади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хукуматлар, парламентлар ва идоралар даражасидаги фаол ҳамда яқин алоқалар мамнуният билан қайд этилди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида Хукуматлараро комиссия йиғилиши, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳасидаги муваффақиятли ташкил қилинди. Айни пайтда мамлакатимизда Тожикистон маданияти ва киноси кунлари ўтказилмоқда.

Йиғилишда томонлар ҳамкорлигининг янги йўналишларини батафсил муҳокама қилиб, ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш йўллари таҳлил қилдилар ҳамда ўзаро манфаатли Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини мустаҳкамлашга катта суръат бағишлайдиган бир қатор муҳим қарорларни қабул қилдилар.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперациясини рағбатлантириш, транспорт соҳасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, сув ва энергетика хавфсизлигини кучайтириш чораларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган йили товар айирбошлаш

ҳажми, энг аввало, тайёр маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш ҳисобига қарийб 1 миллиард долларга етди.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника, фармацевтика ва бошқа кўплаб соҳаларда қатор кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда икки мамлакат пойтахтлари ўртасида авиарейслар, автобус ва поезд қатновлари йўлга қўйилган. Юк ташиш ҳажми жадал ўсиб бормоқда.

2028 йилга бориб, ўзаро савдони 2 миллиард долларга етказиш имкониятлари кўриб чиқилди.

“Ойбек — Фотиҳобод” чегараолди савдо зонасини барпо этишни тезлаштириш, маҳсулотларни сертифицикация ва “E-Permit” руҳсатномаларини алмашиш рақамли тизимларини йўлга қўйиш, чегара назорат пунктларини модернизация қилиш бўйича эришилган келишувлар бу маррага етишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, тоғ-кон, энергетика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, энгил саноат, қурилиш ва бошқа соҳалардаги лойиҳаларни ўз ичига олган алоҳида Саноат кооперацияси дастури қабул қилинмоқда.

Истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма Инвестиция компаниясининг капиталини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Энергетика, сув ресурсларини бошқариш, транспорт ва бошқа кўплаб соҳалардаги шериклик атрафлича кўриб чиқилиб, ҳамкорлик истиқболлари белгилаб олинди.

Етакчилар ҳудудлараро алоқаларни янада ривожлантириш, гуманитар, таълим ва илмий алмашинувларни рағбатлантиришга келишиб олдилар.

Йирик диаспоралар мавжудлигини ҳисобга олиб, маданий ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича беш йиллик чора-тадбирлар режасини қабул қилиш таклиф қилинди.

Давлат раҳбарлари минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Марказий Осиёда кўп томонлама тузилмалар ва минтақавий форматлар доирасида яқин мулоқот ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича келишувга эришилди.

Йиғилишда Хукуматлараро комиссия хамраислари — икки мамлакат Бош вазирларининг ҳамкорлигининг асосий йўналишлари юзасидан хисоботлари тингланди.

Яқунда эришилган келишувларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун кенг қамровли “Йўл харитаси” қабул қилиниши белгиланди.

Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон йирик кооперация лойиҳаларини ишга тушириш маросимида иштирок этдилар.

Давлат раҳбарлари 10 та қўшма лойиҳани бошлаб бердилар.

Улар доирасида Тожикистонда мебель ва чарм маҳсулотлари кор-

хоналарини ташкил этиш, маиший техника ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тўқимачилик қувватларини барпо қилиш, Тошкентда тураржой мажмуаси ва савдо объектларини қуриш ҳамда Фарғона вилоятида консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Андижон вилоятида сут маҳсулотлари, Сурхондарё вилоятида эса мева шарбатлари ва металл брикетлар ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Шунингдек, Янги Тошкентдаги кўчалардан бирига Душанбе шаҳри номини беришга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари такдими қилинган лойиҳаларнинг амалга оширилиши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга кучли суръат бағишлашига ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон — Тожикистон Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йиғилишидан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини кенгайтириш тўғрисида қўшма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маъбулот хизмати суратлари.

Акс садо

МИНТАҚА КЕЛАЖАГИ УЧУН ИШОНЧЛИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Бугунги глобал ўзгаришлар ва геосиёсий жараёнлар фонида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ўртасида бўлиб ўтган учрашувни икки давлатнинг кўп асрлик дўстлик, умумий тарих ва маданий яқинликка асосланган муносабатларининг замонавий мазмун билан бойитилиши сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, бу мулоқот декларатив баёнотлар билан чекланиб қолмасдан аниқ механизмлар, институционал платформалар ва амалий лойиҳалар орқали мустаҳкамланмоқда.

Бу кўп қиррали мулоқот нафақат давлатлараро муносабатларни, балки халқлар ўртасидаги ишонч ва яқинликни янада чуқурлаштириши билан аҳамиятлидир. Шу маънода, мазкур ҳамкорлик модели Марказий Осиё учун намунавий аҳамият касб этиши мумкин.

Масалан, саноат кооперацияси дастурлари доирасида қурилиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, электротехника ва фармацевтика соҳаларида қатор лойи-

ҳалар амалга оширилмоқда. Бу нафақат икки давлат иқтисодий-тининг ўсишини таъминлайди, балки янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигига ҳам хизмат қилади.

Иқтисодий ва сиёсий алоқалар қанчалик муҳим бўлмасин, унинг барқарорлиги, аввало, инсонлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади.



ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбек ва тожик халқларини умумий тарих, ўхшаш маънавий қадриятлар, ўзаро ҳурмат, яхши қўшничиликнинг кўп асрлик анъаналари бирлаштириб туради. Сўнгги йилларда икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат, стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

Қардошлик ришталари ривожланиши билан қўрилмаган ютуқларга эришилиб, икки томонлама шериклик алоқалари янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги шартнома имзолангани минтақа халқлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларига кенг йўл очди.

Давлатларнинг ўзаро ишонч ва минтақани барқарор ривожлантиришга интилишини қўллаб-қувват-

лашга қаратилган қўшма декларация қабул қилинди. Эришилган келишувлар кўп йиллик чегара масалаларини ҳал этиш, Марказий Осиёда барқарорлик ва шерикликни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди.

Ўзаро савдода барқарор ижобий суръат қузатилаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар ҳам кейинги йилларда сезиларли даражада фаоллашди.



Сурур


ЎЗБЕКИСТОН, ТОЖИКИСТОН — ДАВРУ ДАВРОН МУШТАРАК (Газмин)

Помиру Тиёншондай
Кўкси тоғ икки халқсан.
Бир дастурхон, бир нондай,
Икки халқу бир қалбан.
Меҳру зиёси сўлмас,
Бир қошу бир қабондай.
Бизни ажратиб бўлмас,
Бир қўзу бир қарондай.
Синови замонларда
Бир мушт бўлган жуфт юрак.
Бу қутлуғ давронларга
Етганингиз муборак!
Мангу дўстлик биноси,
Шеъру дoston муштарак.
Ўзбекистон, Тожикистон —
Давру даврон муштарак.
Навоий, Жомийлардан
Қолган қутлуғ каломлар.
Туғишан эшгарлардай
Саломлар, асسالомлар.

Миллатнинг пешовлари
Бирлашса жсон ва тандай.
Икки халқ, эл, юрт, Ватан
Яшнагай бир Ватандай.
Помиру Тиёншондай
Юксак кўкраклар керак.
Уйғоқ юраклар керак!
Уйғоқ юраклар керак!
Бизнинг бу дўстлик донги
Асрларга етажак.
Йилларнинг қарвонлари
Келажаққа етажак.
Мангу дўстлик биноси,
Боғу бустон муштарак.
Ўзбекистон, Тожикистон —
Давру даврон муштарак.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ АМАЛИЙ МАЗМУН БИЛАН БОЙИМОҚДА



Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирликлар ва идоралар даражасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган ҳужжатлар тўплами, жумладан:

- Товар айирбошлашни ошириш дастури;
- Саноат кооперацияси дастури;
- Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаштириш электрон тизимларини ўзаро қўллаш тўғрисида битим;
- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Чегаралди ҳудудларда радиочастоталарни ўзлаштиришни мувофиқлаштириш тўғрисида битим;
- “Ўзбекистон – Тожикистон инвестиция компанияси”ни ташкил этиш тўғрисидаги ҳукуматларо битимга ўзгаришлар киритиш тўғрисида баённама;
- “E-Permit” ахборот тизимидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;
- Фанлар академиялари ўртасидаги илмий ҳамкорлик тўғрисида битим;
- 2026 — 2028 йилларда саноат ва инновациялар соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режаси;
- 2026 — 2028 йилларда тоғ-кон саноати ва янги технологиялар соҳасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режаси;
- 2026-2027 йилларда маданият соҳасида ҳамкорлик бўйича чора-тадбирлар режаси;
- 2026 — 2028 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”;

— 2026 — 2028 йилларда агросаноат мажмуида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”;

— инновация, давлат хизмати, молия, таълим ва суд қарорларини мажбурий ижро этиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон Кўксарой қароргоҳида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йигилиши якунлари юзасидан фикрлари билан бўлишди.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистон биродар Тожикистоннинг барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, инвестицияларни жалб қилиш, инфляцияни жиловлалаш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш борасида эришаётган юксак натижаларидан чин дилдан мамнун эканини таъкидлади.

Тожикистон Ўзбекистон учун ишончли стратегик шерик ва иттифоқчи. Мамлакатларимиз мақсадлари, қараш ва интилишлари муштарак экани, икки томонлама муносабатлар сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда жаддал ривожланиётгани таъкидланди.

Парламентлар ва ҳукуматлар, ҳудудлар раҳбарлари ва зиёлилар даражасида мунтазам учрашувлар ўтказилаётгани мамнунлигимиз билан қайд этилди.

Утган йили икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми қарийб бир миллиард долларга етди. Саноат кооперацияси жаддал ривожланмоқда.

Хозирда мамлакатимизда 500 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик кенгайтириш бормоқда. Пойтахтлар ўртасида ҳафтасига ўн та авиарейс амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти бугунги саммитга жиддий тайёргарлик кўрилганини маълум қилди. Ҳукуматларо комиссия йигилишлари, ҳудудлар, ректорлар, олимлар, ёшлар, тахлил марказларининг форумлари, Тожикистон маданияти ва кинеси кунлари, бошқа бир қатор муҳим тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Бўлиб ўтган самарали музокаралар ҳамда Олий давлатлараро кенгашининг биринчи йигилиши давомида масалаларнинг кенг доираси муҳокама қилинди, кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари белгилаб олинди.

Барча даражаларда фаол алоқаларни давом эттириш, халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, Маслаҳат учрашувлари ва “Марказий Осиё плюс” форматлари доирасида мулоқотни мустахкамлаш муҳимлиги қайд этилди.

Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат ҳукуматларида алоҳида дастур асосида товар айирбошлашни икки миллиард долларга етказиш бўйича амалий чоралар кўриш топирилди.

Шу мақсадда “Ойбек — Фотиҳобод” савдо зонасини ташкил этиш тезлаштирилди, энергетика, геология, металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика ва бошқа соҳалар

да икки миллиард долларлик ташаббусларни ўз ичига олган Кооперация дастури амалга оширилади.

Томонлар ушбу лойиҳаларни илгари суриш учун Қўшма инвестиция компаниясининг салоҳиятидан фаол фойдаланишга келишига олдилар.

Транспорт ва транзит соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Юк ташимида электрон рухсатнома бериш тизимини жорий этиш тўғрисида битим имзоланди, шунингдек, ҳаво ва темир йўл транспорт катновларини кенгайтириш ҳамда чегара ўтқиози пунктларининг қуввати ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ушбу ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларнинг асосий мақсади — бизнес ва фуқаролар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш драйвери сифатида ҳудудлар салоҳиятини ишга солиш.

Сув ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик икки мамлакат алоқаларининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

“Яшил” энергетика соҳасида илмий лойиҳаларни биргаликда илгари суриш ҳамда сув тақсимоти, сув иншоотларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш масалаларини мувофиқлаштиришга тайёрлик таъкидланди.

Маданий-гуманитар алоқалар халқароимиз ўртасидаги мустахкам дўстлик кўприги бўлиб қолмоқда. Ҳамкорлик доирасида Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги ҳақида фильм тайёрланди, Янги Тошкентдаги кўчалардан бирига эса Душанбе шаҳри номи берилди.

Йиллик тақвим асосида таълим, туризм ва ёшлар йўналишларида фаол алоқаларини давом эттириш нияти билдирилди.

Икки мамлакатдаги йирек ўзбек ва тожик диаспораларини қўллаб-қувватлаш, маданий марказларни кенг ривожлантириш, она тили, анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш мақсадида Маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик бўйича комплекс дастур тайёрланди.

Яқунда ушбу тарихий таширф натижалари иттифоқчилик муносабатларини янада мустахкамлаб, биродар мамлакатларимиз барқарор ривожланиши ва раванқига ҳар томонлама хизмат қилиши қайд этилди.

Тожикистон Республикаси Президентининг давлат таширфи доирасида ушбу мамлакатнинг Тошкент шаҳридаги элчихонасининг янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомалӣ Раҳмон рамзий тасмани кесиби, дипломатик ваколатхонанинг янги биносини тантанали равишда очдилар. Етакчилар элчихона ва консуллик бўлимининг маъмурий бинолари, элчи қароргоҳи, дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари учун тураржойларни ўз ичига олган мажмуани кўздан кечирилди.

Маросим якунида Президентлар Фахрий меҳмонлар китобида қайд этиб, дипломатик ваколатхона ҳудудига даракт эҳдиладар.

Ушбу тадбир Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши

қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустахкамлашга бўлган ўзаро интилиш қатъий эканини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон “Ўзбекистон” халқаро форумлар саройида икки мамлакат санъаткорлари иштирокидаги анъанавий концертни биргаликда томоша қилдилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларини узок ўтмишга бориб қалайдиган муносабатлар, муштарак маънавий ва диний қадриятлар, анъаналар ҳамда бой маданий мерос боғлаб туради.

Ҳар икки мамлакатда ҳам асрлар давомида шаклланиб келган дўстлик, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик анъаналари асраб-авайланиб, бойиб бормоқда.

Ушбу маданий тадбир бунинг аяқол тасдиғи бўлди. Концерт дастурини биродар халқларимизнинг бетақор ва бой маданиятини акс эттирувчи миллий музика ва саҳна санъатининг энг сара асарлари ижро этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари ҳамда ансамблларининг биргаликдаги чиқишлари ўзаро англашув, маънавий яқинлик ва фаол маданий мулоқот рамзи бўлди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат таширфи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

Эътироф

Икки халқ маданият ва санъат соҳаси вакилларига эътиром

Ўзбекистон ва Тожикистон Республикаси ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ўзбекистонлик ва тожикистонлик маданият ва санъат соҳаси вакиллари давлат муқофотлари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони билан Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти “Нури нёгон” шашмаком ансамбли раҳбари Шухратжон Набиев Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан муқофотланди.

Шунингдек, Тожикистон Республикаси Президентининг тегишли фармони билан Ўзбекистон Республикасидаги тожик миллий маданий маркази раҳбари Гуландом Субхонова Тожикистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан муқофотланди.

Давлат муқофотларини Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков ҳамда Тожикистон Республикаси мадани-

ят вазири Матлубохон Сатториён топширди.

Айтиш керакки, 2024 йилда Тожикистонда ўтказилган “Ўзбекистон маданияти кунлари” доирасида Ўзбекистон ва Тожикистоннинг маданият ва санъат арбобларидан бир гуруҳи юксак фахрий унвонлар билан тақдирланди.

Айни кунларда Ўзбекистонда “Тожикистон маданияти ва кинеси кунлари” юксак санабда ва байрамона руҳда, дўстлик ва қардошлик байрами сифатида бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистонда “Тожикистон маданияти ва кинеси кунлари” тадбирлари 29 март кунига қадар давом этади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Ҳамкорлик

ТАРМОҚЛАРАРО ҚЎШМА КЎРГАЗМА

Пойтахтимизнинг “Янги Ўзбекистон” ҳудудидаги “САЕХ” кўргазмалар мажмуасида Ўзбекистон ҳамда Тожикистон давлатларининг тармоқлараро қўшма кўргазмаси иш бошлади. Унда ҳар икки мамлакатнинг 200 дан ортиқ йирек компания ва фирмаларининг 500 турдан кўпроқ юқори сифатли саноат маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилиш маросимида сузга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб, кейинги йилларда сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар, имзоланган ҳужжатлар муҳим омил бўлмоқда. Шу маънода, Тожикистон Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг Ўзбекистонга давлат таширфи иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Қўшма кўргазмадан кўзланган мақсад ҳам томонлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада мустахкамлаш, саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятини кенгроқ намойиш этиш ҳамда янги ҳамкорлар топишга кўмаклашишдир.

— Очиги, бундай имконият илгари тушимизда ҳам кирмаган. Ҳатто 9 йил аввал чегарадан оддий фўкаро сифатида ўтиш ҳам мушкул эди. Бугун вазият буткул ўзгарган. Насиб этса, Тошкент билан бизнес фаолиятимизни боғлаб, фирмамиз дўконини очмоқчимиз, — дейди Душанбе шахридаги заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган “Тажик кристалл” корхонасининг раҳбари Азизбек Махмудов.

Тожикистоннинг “Sandalye” ме-

билан бренди, “Арча”, “CATN” номи билан тилга тушган йирек компаниялари маҳсулотлари кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотган бўлса, Ўзбекистоннинг “Uzavto” тизимидаги ўнлаб корхоналар, Жиззах аккумулятор заводи, “Sarfir sapoat” фирмаси сингари тадбиркорлик субъектлари тақлиф этаётган саноат моллари меҳмонлар эътиборини тортмоқда.

— Тожикистон — биз учун катта бозор. Утган йил ушбу мамлакатга 10 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилганмиз, — дейди “Пример электроникс” компаниясининг Тожикистон бўйича менежери Саид Абдурахмонов. — Заводимизда музлаткич, яримавтомат кириовиш ускунаси, телевизор, кондиционер, чангюткич сингари 5 хил турдаги юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз. Уларга тожик бозорида талаб катта. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда экспорт ҳажминини икки қарра оширишни мақсад қилганмиз.

Икки кун давом этадиган кўргазма доирасида “B2B” ва “G2B” форматидagi учрашувлар, саноат корхоналари тақдиротлари, томонлар ўртасида савдо шартномалари ва ҳамкорлик битимларини имзолалаш маросимлари бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»)

Нуктаи назар

Сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақасида кечаётган интеграция жараёнлари нафақат иқтисодиёт ва сиёсат, балки олий таълим ҳамда илм-фан соҳаларини ҳам қамраб олмоқда.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президенти раҳисидан илгари сурилаётган яхши қўшничилик ва стратегик шериклик тамайлари икки биродар халқ ўртасидаги илмий-маърифий алоқаларни мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Таълим соҳасидаги муносабатларнинг “музлик даври”дан чиқиб, фаол ривожланиши бундан саккиз йил аввал бошланган эди. Хусусан, 2018 йилда Душанбе шаҳрида имзоланган “Олий таълим ва фан соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги ҳукуматларо битим бугунги муваффақиятлар учун стратегик пойдевор бўлиб хизмат қилаётди. Ушундан буён дипломатларни ўзаро тан олиш бошланди, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бўйича алоҳида келишувга эришилди. 2024 йилда эса Душанбеда Олий аттестация комиссиялари ўртасида имзоланган битим юқори малакали илмий ҳамда илмий-педагог кадрларни тайёрлашда янги уфқларни очди, десак, айни ҳақиқат.

Самарали алоқаларнинг ёрқин ифодаси

Айтиш жоизки, икки мамлакат олий таълим муассасалари ўртасидаги алоқалар сўнгги уч йил ичида шиддат билан ўсди. Бугунги кунда ОТМлар ўртасида юздан ортиқ келишувлар ва меморандумлар мажмуида бу шунчаки қорғоздаги рақамлар эмас, балки Ўзбекистондаги қирқдан зиёд ОТМларнинг Тожикистондаги йигирмадан ортиқ университетлари ва илмий ташкилотлар билан доимий алоқаси, демакдир.

Ҳамжихатликнинг энг ёрқин намуналари сифатида таълимнинг қатор йўналишларидаги тизимли алоқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Масалан, табиёт соҳасида Бухоро давлат табиёт институтини ва Самарқанд давлат табиёт университети Тожикистон давлат табиёт университети ҳамда Хатлон давлат табиёт университети билан ҳамкорлик ўрнатган. “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тақдирот университети ва Тожикистон аграр университети ўртасидаги сув ресурсларини бошқариш бўйича қўшма тақдиротлар олиб бораётган бўлса, Фарғона давлат техника университети ҳамда Тожикистон техника университети ўртасидаги муҳандис кадрларини тайёрлаш бўйича алоқалар шиддати пайсаган эмас.

Эътибор бериш, 2024/2025 ўқув йили давомида Тожикистон олий ўқув юртларининг ўлтздан зиёд профессорлари мамлакатимиз университетларида бўлиб, маърузалар ўқишди, илмий-амалий семинарлар ўтказди. Бундай жонли мулоқот нафақат тажриба алмашиш, балки минтақа-

вий илмий мактабларнинг қайта бирлашишига хизмат қилмоқда.

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон олий таълим муассасаларидан юз нафардан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар Хўжанд техника коллежи, Тожикистон давлат ҳуқуқ, бизнес ва сиёсат университети, Хўжанд давлат университети, Тожикистон давлат педагогика университети, Тожикистон давлат табиёт университети каби етакчи ОТМларда бўлиб қайтди. Бу сафарлар тажриба алмашиш, илмий-амалий конференция ҳамда семинарларда иштирок этиш, маърузалар ўқиш ва қўшма тақдиротлар олиб боришга қаратилган билан самарали кечди. Бундай фаол алоқалар битим юқори малакали илмий таълимнинг илмий салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Глобал беқарорлик ва дунё иқтисодиётидаги хавфлар фонида Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг таълим соҳасидаги интеграцияси, бу — минтақавий ўсиш ва хавфсизликнинг интеллектуал қалқони. Яъни икки давлат олимлари ҳамда ёшларининг бирлашиши Марказий Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил ва рақобатбардор бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистондаги этник тожик аҳолиси учун сифатли ўқувларни ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда республикамизнинг 8 та ОТМда тожик тилида таълим берувчи мактаблар учун кадрлар тайёрланмоқда. 2020/2021 ўқув йилида тожик тилидаги таълим йўналишларига қабул параметрлари 2 баробарга оширилгани ҳам соҳадagi эътиборнинг аяқол далилидир. Бундан ташқари, Самарқанд давлат университети ҳамда Термиз давлат университетида Тожик филологияси ва шарқ тиллари кафедраларининг фаолият юритиши икки тил ҳамда маданиятини янада яқинлаштиряпти.

Муҳим йўналиш учун малакали кадрлар

Ўзбекистон ОТМларида Тожикiston фуқароларининг тақсир олиши учун қулай шарт-шароитлар ҳам яратилганини алоҳида эътибор қилиш лозим. Уларни қабул қилиш жараёни фақат асосида амалга оширилди. Бу имконият туфайли 2018/2019 ўқув йилидаги 50 нафар атрофидagi талабадан, 2025/2026 ўқув йилига келиб, Ўзбекистон университети талаба тақсир олаётган Тожикистон фуқаролари сон 712 нафарга етди.

Бугунги кунда икки давлат олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг энг муҳим

таълим дастурларидан бири қўшма таълим дастурларидир. Айниқса, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тожикистон давлат ҳуқуқ, бизнес ва сиёсат университети ўртасида йўлга қўйилган лойиҳалар ўза самараларини бераётди.

Амалий сайёҳ-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, икки университет ўртасида бакалаврият босқичи учун қўшма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича стратегик келишувга эришилди. У университетларро юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тақдирот ишларини жаддалаштириш ва талабалар академик мобиллигини таъминлашга қаратилган. Дастур доирасида талабалар университетларнинг

таълим муассасаси базасида, замонавий ва рақамлаштирилган таълим муҳитида етуқ билим ҳамда кўникмаларга эга бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳозирги кунда қўшма таълим дастуринида 300 нафардан ортиқ талабалар тақсир олмоқда.

Дастурнинг муваффақиятли татбиқи нафақат минтақавий таълим маконининг стратегик интеграциялашувига хизмат қилмоқда, балки глобал билимлар иқтисодиётида шариоитда юқори малакали ва рақобатбардор мухтаассислар тайёрлашнинг ўзига хос институционал модели сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур ҳамкорлик формати назарий билимлар ва халқаро ама-

ал маконни яратиш йўлидаги муҳим стратегик қадамга айланди.

Форум якунлари бўйича имзоланган шартномалар, битим ва меморандумлар икки давлат университетлари ўртасидаги ҳамкорликнинг қўламини кенгайтирмоқда. Ушбу ҳужжатлар шунчаки рамзий мазмунга эга бўлмай, аниқ ва манзилли вазифаларни қамраб олади. Анжуман давомида эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Тожикистон олий таълим тизимининг сиёрийси янада бақардор қалайишига сари биргаликда қадам ташлаш, демакдир.

Келажак авлод учун яратилаётган улкан имконият

2025/2026 ўқув йилидан бошлаб, Марказий Осиё давлатларининг иқтидорли талабалари учун ўзаро стипендия (грант) ва ўринлар ажратиш тизими йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон томони 20 та квота ажратиб, Тожикистон томонидан тавсия этилган талабаларини Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси каби етакчи ОТМларга ўқишга қабул қилди. Бу иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг малакали мухтаассис бўлиб етишишига йўналтирилган стратегик қадамдир.

Олий таълим ва илм-фан соҳасидаги бугунги ҳамкорлик икки давлат ўртасидаги дўстлик ҳамда биродарликни мустахкамлаб, Марказий Осиёнинг ягона интеллектуал макон сифатида шаклланишга туртки беради. Қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳалар, талаба ҳамда профессор-ўқитувчилар алмашинуви — буларнинг барчаси келажак авлод учун яратилаётган улкан имкониятдир.

Ўзбекистон ва Тожикистоннинг илмий-маърифий интеграцияси, шубҳасиз, минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ҳамда иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшади. Ҳамкорликнинг давоми ва янада муваффақиятли бўлишига эса шак-шубҳа йўқ.

Фикримизча, биз икки тилда сўзлашувчи бир халқмиз. Утган давр мобайнида қўллаб қўйинчиликларини бошдан кечирдик ва турли тўсиқларни биргаликда енгиб ўтдик. Ҳатто қариндошларимизни қўришга имкониятимиз бўлмаган вақтлар ҳам бўлди. Аммо бугун биз тинчлик ҳамда оқсоишталликда, чегаралардаги сунъий тўсиқларни олиб ташлаб ҳамжихатликда яшяяпмиз.

Ишончимиз қилмоқда, мамлакатларимиз ўртасидаги изчил алоқаларга илм-фаннинг интеграциялашувчи икки давлат олий таълим тизими ривожига муносабати ҳисса қўшади.

Тўлқин ТЕШАБОВЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ

минтақавий ўсиш ва барқарорлик қалқони



йўналишларидан бири қўшма таълим дастурларидир. Айниқса, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тожикистон давлат ҳуқуқ, бизнес ва сиёсат университети ўртасида йўлга қўйилган лойиҳалар ўза самараларини бераётди.

Амалий сайёҳ-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, икки университет ўртасида бакалаврият босқичи учун қўшма таълим дастурларини амалга ошириш бўйича стратегик келишувга эришилди. У университетларро юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тақдирот ишларини жаддалаштириш ва талабалар академик мобиллигини таъминлашга қаратилган. Дастур доирасида талабалар университетларнинг

“Глобал беқарорлик ва дунё иқтисодиётидаги хавфлар фонида Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг таълим соҳасидаги интеграцияси, бу — минтақавий ўсиш ва хавфсизликнинг интеллектуал қалқони. Яъни икки давлат олимлари ҳамда ёшларининг бирлашиши Марказий Осиёнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил ва рақобатбардор бўлишини таъминлайди.”

Келишувга мувофиқ, ўқув жараёни “2+2” ёки “3+1” моделлари асосида ташкил этилиши қўзда тутилган.

МАСТОНА РУҲ ВА ТЕРАН ТАФАККУР ПАРВОЗИ



СПОРТ хабарлари

Шахмат: «ДАЪВОГАРЛАР МУСОБАҚАСИ» БОШЛАНМОҚДА

28 март — 16 апрель кунлари Кипр Республикасида йилнинг асосий турнири — "FIDE даввогарлар мусобақаси" бўлиб ўтади. Унда юртимиз шарафини мамлакатимизнинг иккинчи рақамли шахматчиси Жаҳоҳир Синдоров ҳимоя қилади.



Дунёнинг 8 нафар кучли гроссмейстери иштирок этидиган мазкур турнир ғолиб амалдаги жаҳон чемпиони, ҳиндистонлик Гукеш Доммаражуға қарши шахмат тожи учун баҳс олиб боради. Мусобақада Жаҳоҳирдан ташқари Фабиано Каруана (АҚШ), Вэй И (Хитой), Андрей Есипенко (FIDE байроғи остида), Анш Гири (Нидерландия), Маттиас Блюбаум (Германия), Рамешбабу Прагнанандха (Ҳиндистон), Хикару Накамура (АҚШ) каби "ақл усталари" қатнашади. Спортчилар икки давралик тизим, 14 та тур доирасида ўз имкониятларини синовдан ўтказишади.

Велотрек: ВАКИЛЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА



Филиппинда велоспортнинг трек йўналиши бўйича турли ёш тоифаларидаги Осиё чемпионати бошланди. Қитъанинг 20 дан зиёд мамлакатлари спортчилари қатнашаётган мусобақада яққалик, жамоавий, спринт дастурлари бўйича бахслар ўтказилади.

Чемпионатнинг дастлабки куни Ўзбекистон терма жамоаси учун омадли келди. Ҳамюрларимиз ёш қизлар ўртасидаги жамоавий таъбиқ пойғаси дастуридея бронза медалга сазовор бўлди.

Аҳамиятлиси, велоспортчиларимиз қитъа биринчиликларида илк бор жамоавий йўналишида шоҳсупага кўтарилишди. Бахсларда Е. Макароқина, Г. Сатторова, Р. Хикматова ҳамда Д. Мирзавалиева юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Чемпионат бахслари 31 мартга қадар давом этиши режалаштирилган.

Бокс: ҲАСАНБОЙ ДЎСМАТОВНИНГ КЕЙИНГИ РАҚИБИ КИМ?



Ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Ҳасанбой Дўсमतов 19 апрель куни жанг қиладиган бўлди. Нуфузли "boxgес" порталида хабар беришларича, Ҳ. Дўсमतов Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ташкил этиладиган профессионал бокс оқшоми доирасида рингга кўтарилади.

Унга Аргентина вакили Жоэль Агустин Контрерас рақиблик қилади. Ҳасанбой Дўсमतов айна дамда WBA рейтингда олтинчи ўринни эгаллаб турибди. Контрерас эса мазкур рейтингда еттинчи поғонада қайд этилган.

Маълумот учун, 32 ёшли маҳоратли боксчимиз профессионал фаолияти давомида ҳозиргача 7 та жанг ўтказиб, барнасида галаба қозонган. Аргентиналик чарм қўлқоп устаси ҳисобида 11 галаба ва 1 та мағлубият бор.

Суннатилла ИСЛОМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



АБДУВАЛИ КҮТБИДДИН
Танланган асарлар

муҳими, фикр теран, моҳият кўлами кенг! Шейр мазмунан чуқур фалсафий ва юксак ватанпарварлик руҳи билан сугорилган. Унда вақт, табиат ва тарих ўзгарувчанлиги фонида Ватаннинг абадийлиги, халқнинг маънавий кудрати ва вафодорлиги улуғланади.

Ватан ҳақида шоирларимиз, ижодкорларимиз кўп ва ҳў ёзишган. Лекин Абдували Кутбиддиннинг талқини, Ватанга муҳаббати, муносабати бутунлай бошқача. Шоир киндик қони томган маъво ҳақида ёзаркан, ҳар бир сўзни гўё оловлантиради. Уни ўқиган шеърхоннинг бутун вужудига бу оловдан ҳарорат инмаслиги, қалбида чўғ учқунмаслиги, кўзлари порламаслиги мумкин эмас.

Абдували Кутбиддинни кўпчилик модернист шоир деб билади. Бу таъриф, асосан, унинг шеърларидаги янги услуб ва ўзига хос композиция сабаб пайдо бўлган, десак, хато эмас. Бироқ бу ашъорларнинг ҳар бири моҳиятан Шарқона руҳ билан сугорилганини, миллий томирларга туташ эканини уларни қайта-қайта ўқиб, чуқурроқ англаш, қалбдан ҳис қилиш мумкин. Бу шеърлардаги тисоқлар, бадиий образлар, рамзларнинг бутун маъноси, мағзи тамомла ўзбек характери, менталитетига монанд. Улар шу заминда ўсиб чиққан, она тупроғимизнинг меvasи.

Жумладан, шоир яратган "Осима" образи ҳам том маънода ўзбек аёлининг сурату сийратини яққол ифодалайди. Унинг бир шеъриси:

Осима, учрашаск, туннинг ярмида,
Зулфинг уялмасин биздан зарбадан.
Элнинг гагагига яллиз ташланган,
Ераб, бу не савдо,
Ераб, бу не гавго,
Сени севмоқдаман,
Минг бор қайтадан, —
деб ёзади. Бу таърифлар — Осиманинг зулфи гагагига яллиз ташлагани, ёр олдида

«Халқ сўзи».

МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

Фаргона вилоятида бугунги кунда 63 та техникумда қарийб 60 минг нафар йигит-қиз турли касб ва мутахассисликлар бўйича билим олмоқда. Энг муҳими, уларнинг кўпчилиги ўқиш билан бирга ишлаб, тажриба тўпламоқда. Бу дуал таълим тизими самарасидир.

Имконият

Жаҳон тажрибасига асосланган мазкур тизим орқали 50 дан ортиқ техникумларда 150 га яқин касб ва мутахассисликлар ўқитилапти. Айни пайтда вилоятдаги 2200 дан зиёд корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Натижада 11 минг нафардан ортиқ ёшлар дуал таълим асосида ҳам ўқиб, ҳам ишлаб келмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — техникумларда халқаро таълим дастурлари жорий этилаётир. Айни пайтда 6 та техникумда 11 та касб бўйича 550 нафарга яқин ўқувчилар жаҳон стандартлари асосида таълим олмоқда. Масалан, Фаргона шаҳридаги 4-техникум ана шундай илғор таълим масканларидан. Айни пайтда бу ерда 631 нафар ўқувчи тахсил олаётган бўлса, уларнинг 120 нафари Буюк Британиянинг "Pearson" компанияси билан ҳамкорликда металлларга ишлов бериш, пайвандлаш, электромонтерлик, компьютер графикаси ва дизайн каби йўналишларда билим ҳамда амалий кўникмаларни эгаллапти. Шунингдек, дуал таълим тизими асосида яна 150 нафар ёш турли йўналишларда ишлаб, тажриба орттирмоқда.

Бу ерда тахсил олаётган ёшларнинг орзу-мақсадлари ҳам катта.

— Келажакда Англияда олий таълим олиб, ишлашни истайман, — дейди Робияхон Муҳаммадқаримова. — Бунинг учун техникумимизда барча замонавий шaroитлар яратилган. Муҳаммадқаримов эса компьютер графикаси йўналишига қизиқади. У IT соҳасини чуқур ўрганиб, келажакда Европадаги йирик компанияларда ишлашни ният қилган.

Этиборлиси, таълим муассасаси атрофидаги 16 та мактаб билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. "Очиқ эшиклар куни", учрашув ва мулоқотлар орқали мактаб битирувчиларига касб танлашда йўл-йўриқ кўрсатилмоқда. Техникумнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкам. Сўнги уч йилда масканнинг қарийб 400 нафар бити-

рувчиси олий таълим муассасалари талабаси бўлди.

— Замонавий дастгоҳларда ўқувчилар билан бирга тайёрлаётган махсуслотларимиз бозорда харидоригир бўлиб улгурди, — дейди техникум ўқитувчиси Рустам Каримов. — Бу ёшларга ўз бизнес фояларини амалга оширишга ҳам катта туртки беради.

Ўқувчилар хоржий тилларни ўрганишга ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда. Аксарияти миллий ва халқаро сертификатларни олишга ҳам улгурган.

Бундай ютуқларни яна давом эттириш мумкин.

Дейлик, Марғилон шаҳридаги туризм ва маданий мерос, жамоат саломатлиги ҳамда 4-сон техникумда Германиянинг "Саксония иқтисодидея таълим маркази" ва "ASKANIA BILDUNG" компаниялари билан ҳамкорликда табиий, курилиш, транспорт-логистика каби йўналишларда мутахассислар тайёрланмоқда. Фаргона ва Марғилон шаҳарларидаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникумларида эса Швейцариянинг "Globogate Concept AG" ташкилоти билан ҳамкорликда 100 нафар ҳамшира тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, техникумларда қисқа муддатли касб-хўнар курслари ҳам ташкил этилган. Ҳозирда 71 йўналиш бўйича курслар мавжуд. Жорий йилнинг ўзида 55 та техникумда 10 мингга яқин ёшлар, хотин-қизлар ва ишсиз фуқароларни бепул касбга ўқитиш режалаштирилган.

Илм — нур, илмсизлик — зулмат. Шу маънода, ёшларнинг замонавий касб ва билимларини эгаллаши муваффақият ва саодат эшикларини очувчи калит вазифасини ўтаётгани билан аҳамиятлидир.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи») РЕКЛАМА

Қизиқш билдиришга сўров

«ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИНКЛЮЗИВЛИК» ЛОЙИҲАСИ

Кредит рақами: 7425-UZB
Хизмат тавсифи: "Достурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси" МЧЖ "Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик" лойиҳаси доирасида Бухоро ва Сирдарё вилоятларида қурилаётган ITES бинолари учун техник назорат бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш учун малакали консалтинг ташкилотларини қизиқш билдиришга таклиф этади (UZ-DIP-543072-CS-QCBS).
Қизиқш билдиришнинг охири муддати: 2026 йил 13 апрель, соат 18:00.
Батафсил маълумот учун: udip@it-park.uz, 71-209-11-99 (1037), +99895 165-55-95.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 342. 25 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақиқатда маълумотларни оқиб олдиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг таъбиқ берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислоом Каримов кўчаси, 55-уй.
Набатчи муҳаррир — С. Маамиров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.15 Топширилди — 02.50 1 2 3 4 5 6

ТАДҚИҚОТЧИЛАРНИ КҮТАЁТГАН СИРЛИ ҚУДУҚ

Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани — ниҳоятда қадимий ва маданий бойликлар билан тўла кўхна замин. Бу ҳудуд асрлар бўйи одамлар яшаган, савдо йўлақлари ўтган, турли дин ва маданиятлар учрашган шаҳарлар орасида жойлашган. Самарқанднинг умумий тарихи эса дунё бой тарихи билан боғлиқ бўлиб, Афросиёб каби ёдгорликлар қадимий ўтмишидан сўзлайди.

Мозий садоси

маъносини англатади. Манбаларга кўра, XIV асрда Мадинадан Андижонга кўчиб келган Хусайиний Саййидзода Абдуллоҳ Маданий Андижоний ва бошқа машҳур шахслар бу минтақада ижод қилган ва улар атрофида зиёратгоҳлар пайдо бўлган. Қудуқ ичидея томонларга кетадиган йўлақлар, баъзи тарихчилар фикрича, сугориш, сув таъминоти ёки яширин йўлак сифатида хизмат қилган бўлиши мумкин. Ўхшаш тарихий объектлар, масалан, Сармишхўр горидея петроглифлар каби археология топилмалари бутун минтақада қадимий маданиятнинг изларини кўрсатади. Бундай археологик топилмалар нафақат тарихчилар, балки аҳоли ва туристлар учун ҳам қизиқарли иншоотдир.

Ҳозирча эса Нурободдаги топилган сирли қудуқ ва атрофидаги бошқа топилмалар тўлиқ илмий ўрганилмаган ҳамда маданий мерос рўйхатига киритилмаган. Кўплаб тепаликларга ном берилмаган, муҳофаза белгилари ўрнатилмаган, объектлар ва топилмаларнинг аниқ даври йўқ. Боз устига ҳудудларда аҳоли томонидан чорва молларининг боқилиши, ноқунийи қазимаши ишлари олиб бориш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Шундай экан, археолог олимлар ушбу масканларда тадқиқот олиб борса, максатда мувофиқ бўлар эди. Бу нафақат зиёрат туризмини ривожлантириш, балки аҳолининг моддий-маънавий ҳаётини бойитишга ҳам хизмат қилади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).



Пастдарғомлик тарих фани бўйича мустиқл тадқиқотчи ва ўқитувчи Акмал Ҳамроев "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида тарихий обидаларни сақлаш ва атрофини кўкаламзорлаштириш ташаббусини бошлади. Бу экологик ва маданий ақция тарихий қадамжолар, зиёратгоҳлар атрофида дарактлар экишни қамраб олиб, турли ҳудудларда давом этмоқда. — "Яшил макон" ақцияси доирасида Нурободдаги Хайрон шайх қабристонини ўртастида тепалиқда сирли чуқурида, яъни қудуқ топилди, — дейди тадқиқотчи муаллим А. Ҳамроев. — Чуқурилик ичидея ён томонларга кетадиган йўлақлар борлиги бу жойнинг оддий иншоот эмаслигини кўрсатади. Мазкур топилма табиий юзага келган чуқурилик бўлиши мумкин, лекин тарихий жараёнларда қурилган иншоот бўлиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. "Хайрон" арабчада "хайр" — эзгуликлар, яхшиликлар

27 мартдан бошлаб «Афросиёб» электропоездлари ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари Тошкент — Шаҳрисабз — Тошкент йўналишида қатновларни йўлга қўяди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши